2015 йил 25 август, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173 (12.986)

Баҳоси эркин нархда

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муҳаммад Амин олган сурат

## "AFROSIYOB" ПОЕЗДИ ҚАРШИГА ҲАМ ҚАТНАЙ БОШЛАДИ

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида – 22 август куни юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди Тошкент – Самарқанд – Қарши йўналишида илк қатновни амалга оширди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тизимда кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчи ва юк ташиш ҳажми тобора ошмоқда.

Бундан тўрт йил аввал мамлакатимиз пойтахти билан Самарқанд шаҳри ўртасида Испаниянинг "PATENTES TALGO S.L." компаниясида ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электропоезди қатновининг йўлга қўйилгани бу соҳада амалга оширилган улкан ишларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Икки локомотив, саккиз йўловчи вагони ва вагон-ресторандан иборат ушбу замонавий поезд ўтган даврда халқимиз ва юртимиз меҳмонларининг энг қулай ҳамда ишончли транспорт воситасига айланди. Буни қатнов йўлга қўйилгандан бери "Afrosiyob"да 600 мингдан зиёд йўловчи манзилига етказилганида ҳам кўриш мумкин.

"Afrosiyob" электропоездининг Тошкент — Самарқанд — Қарши йўналишида доимий ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 5 январдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида «Мароқанд — Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарорларига асосан 140,8 километрлик Мароқанд — Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. 11 станцияда 9 километр пўлат излар реабилитация қилинди, 2100 куб метрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди.

Поездларнинг ишончли ҳаракатланиши, алоқа тизимларининг нуқсонсиз ишлашини таъминлаш мақсадида замонавий автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви, электр энергия сарфини автоматик ҳисоб-китоб қилиш тизими йўлга қўйилди. Участканинг барча кесишмалари радиоалоқа ва телефон алоқаси билан жиҳозланди, йўлларнинг икки томонига темир панжаралар ўрнатилди.

Шу кунгача йўловчи поездлари Тошкентдан Қаршигача бўлган 511 километр масофага қарийб олти соатда етиб борган бўлса, "Afrosiyob" электропоезди ушбу йўлни уч соатда босиб ўтади.

– "Afrosiyob"ни бир неча марта телевизорда кўриб, «қанийди, шундай поездлар қатнови биз томонларга ҳам йўлга қўйилса, роҳатланиб саёҳатларга чиқардик», деб орзу қилгандим, – дейди қаршилик Шодиёр ота Хўжаназаров. – Мана қаранг, бугун ана шу эзгу ният амалга ошиб, замонавий, қулай ва юмшоқ ўриндиқларда гўзал юртимизнинг учқур тулпорида Тошкентдан Қаршига қайтиб келаяпман. Халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишда шундай катта имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдормиз.

Қарши темир йўл вокзалида "Afrosiyob" поезди етиб келгани муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ва бошқалар ушбу янги йўналиш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ўзига хос намойиши бўлиши билан бирга, одамларимизнинг маънавий-маданий ҳаётида, уларнинг турли хизматларга, жумладан, транспорт хизматига бўлган муносабати, талабида катта ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров иштирок этди.

**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

***Мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида Ҳиндистоннинг таниқли ижтимоий-сиёсий ва илмий-академик доиралари вакиллари ҳам халқимизнинг Энг улуғ, энг азиз байрами муносабати билан ўз табрикларини йўлламоқда. Уларда давлатимиз босиб ўтган мустақиллик йўли ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.***

## "ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОННИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИДАН БИРИ"

**Шри ПРАКАШ, Ҳиндистондаги Жамия миллия исломия университетининг Халқаро тадқиқотлар академияси директори, профессор:**

— Суверен ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистонда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларда, шунингдек, илм-фан, маданият, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда бошқа қатор соҳаларда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Эришилган ана шу ютуқлар Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни изчил равишда ҳаётга татбиқ этишнинг натижаси, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон бугунги кунда дунёнинг барқарор ривожланиб бораётган давлатлари қаторига киради. Бунга бир неча йиллар давомида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаётгани ҳамда аҳоли яшаш даражаси ва сифатининг йилдан йилга ошиб бораётганини яққол мисол сифатида келтириш мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистонда ҳар янги йилни аниқ бир ижтимоий соҳага бағишлаш анъанага айланиб қолганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. 2015 йил "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинди ва бу йўналишда тегишли Давлат дастури қабул қилинди. Йил бошидан буён мазкур Дастур доирасида ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўм ва 37,4 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланганини эътирофга лойиқ далил.

Ўзбекистонда таълим соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ҳам мақтовга сазовордир. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг замонавий билим ҳамда касбга эга бўлишлари, ўзларининг иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонликларни мустақиллик байрами билан чин юракдан қутлайман, уларга тинчлик, чексиз бахту иқбол ва фаровонлик тилайман.

**"Жаҳон" АА.**
Деҳли

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён анъанавий ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мамлакатимизнинг маданий алоқаларини ривожлантиришда, Ватанимиз, миллий санъатимиз довруғини оламаро янада кенгроқ ёйишда муҳим аҳамият касб этаётир.***

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ТАРОНАСИ

**ЎзА мухбири "Шарқ тароналари" II халқаро мусиқа фестивали Гран-при соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба САТТОРОВА билан ушбу фестивалнинг миллий санъатимиз ривожидаги ўрни ва аҳамияти хусусида суҳбатлашди.**

– Мустақиллик миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, хусусан, ўзбек мусиқа санъатини ривожлантириш борасида улкан имкониятлар яратиб берди, – дейди Насиба Сатторова. – Халқимизнинг дилбар куй-қўшиқ ва лапарлари, мумтоз мақомлари янги ижрочилик йўллари билан бойиб, бошқа халқларга ҳам кенг ёйилаётгани санъатимизнинг азалий шуҳрати янада юксалаётганидан далолатдир.

"Шарқ тароналари" мусиқа фестивали ўз олдига жаҳон халқларининг мусиқа ва қўшиқчилиги дурдоналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлодни миллий мусиқамиз хазинасидан кенгроқ баҳраманд этиш, турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларни қўйган.

Ушбу фестиваль шарқона фалсафаси, дунё халқларини эзгулик ва ҳамжиҳатликка даъват этиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур санъат форумининг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани, турли мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, машҳур санъаткорларнинг бу фестивалга қизиқиши йилдан йилга ортиб бораётгани унинг нуфузи ва даражаси юксаклигидан далолат беради.

*(Давоми 2-бетда)*

## ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ — ЭРТАМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

***Пойтахтимизда Энг улуғ, энг азиз байрам – Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ўтказилган анъанавий "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивали якунланди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган мазкур фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган уч юзга яқин иқтидорли ёшлар, жумладан, давлатимизнинг юксак мукофотлари совриндорлари, халқаро олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари ғолиблари иштирок этди.

Фестиваль давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўтказилган учрашувда янги қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти, парламент қуйи палатаси фаолияти ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди фаолияти билан ҳам танишди. Судья ва экспертлар билан бўлган учрашувда ёшлар Конституциявий суд ваколатлари, фаолияти ва халқаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги билим ва тушунчаларини янада бойитди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамини кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда Термиз шаҳридаги "NOVA PHARM" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонасининг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилди.**
- **Андижонда "Кексаларни эъзозлаш – муқаддас бурчимиздир" деб номланган ижтимоий акция бўлиб ўтди.**
- **Бухоро вилояти марказий маданият ва истироҳат боғида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида "Табаррук замин саховати" деб номланган анъанавий қовун ва асал сайли ўтказилди.**
- **Жорий йилда мамлакатимизда 12 мингта намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган. Миллий матбуот марказида "Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 2015 йил дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши" мавзусидаги матбуот анжуманида соҳада жорий этилаётган янгиликлар ва имтиёзлар хусусида сўз борди.**
- **Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

- **Буюк Британиянинг "Intelligent Energy" компанияси смартфонлар учун қуввати бир ҳафтага етадиган батарея ишлаб чиқарди. "Маҳсулотимизнинг афзаллиги шундаки, у инновацион технологиялар асосида жуда юпқа қилиб ишланган. Айни шу жиҳат смартфонлар тайёрловчи компаниялар эътиборини тортишига ишончимиз комил" дейди компания бош директори.**
- **Хитойнинг Юньнань провинциясида кўчки юз бериши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, саккиз нафар одам бедарак йўқолган. Табиий офат туфайли ушбу ҳududдан ўтган автомобиль йўлига ҳам жиддий зарар етган.**
- **Пиреней тоғ тизмаларининг Испаниядаги ҳудудидан бундан 130 млн. йил муқаддам ўсган гул қолдиқлари топилди. Аслида "Montsechia Yidalii" турига мансуб ушбу ўсимлик ҳақида тадқиқотчилар ярим аср муқаддам маълумотга эга бўлишган. Аммо унинг ёши борасида турли қарашлар мавжуд эди. Ниҳоят, замонавий технологиялар бу масалага аниқлик киритиш имконини берди.**

# ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ — ЭРТАМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил одимламоқда, – дейди Навоий шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шуҳрат Давронов. – Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган Асосий қонунимиз муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз барқарорлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида эришган ютуқларимиз Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга амал қилиниши натижасидир. Бугунги учрашувда шулар хусусида малакали мутахассислар билан суҳбатлашдик, соҳада амалга оширилаётган сўнгги янгиликлар билан атрофлича танишдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" китобининг ёшлар учун тақдимоти ўтказилди.

Фестиваль иштирокчилари учун Киночилар уйида "Шунқорлар" бадиий фильми намойиши бўлиб ўтди. Миллий истиқлол ғоясига садоқат, ватанпарварлик, ташаббускорлик, эртанги кунга ишонч, дўстлик, ҳамжиҳатлик ғоялари тараннум этилган ушбу фильм ёшларда катта таассурот қолдирди.

– Фестиваль давомида сиёсий-ҳуқуқий билимимиз, маънавий савиямиз янада бойиди, – дейди Тошкент педиатрия-тиббиёт институти талабаси Жавлонбек Муҳсимов. – Мамлакатимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун эканини, жамики ислоҳотлар аввало инсон манфаатларига хизмат қилаётганини, ёшлар бугуннинг ва эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея юксак қадрланаётганини янада теран англадик. Бу каби фестиваллар шундай буюк юрт фарзанди эканимиздан кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдиради, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўшишга руҳлантиради.

"Истиқлол фарзандлари" фестивали "Туркистон" саройининг ёзги саҳнасида таниқли санъаткорлар ва ёшлар иштирокидаги гала-концерт билан якунланди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**


Ёлкин Шамсиддинов олган сурат

***Чилонзор туманидаги "Яккабоғ" маҳалла гузарида Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

## МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ва маданият ва спорт ишлари туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Туманда жойлашган "Мевазор", "2-Қатортол" ва бошқа маҳаллалар аҳолиси иштирок этган тадбир кўтаринки кайфиятда, куй-қўшиқлар жаранги остида кечди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Полянте Свешников, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Фароғат Худойқулова ва бошқалар Мустақиллик энг аввало, бизларга ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни тиклаш, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлашга мустаҳкам замин яратгани, юртимизда адолат, меҳр-оқибатни қарор топтиргани, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифамиз эканлигини таъкидлаб ўтишди.

— Юртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган шодиёна тадбирлари халқимизнинг қалбига чексиз қувонч бағишламоқда, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова. — Туманимизда бундай шодиёналар ҳар йили катта хурсандчилик билан ўтказилади. Бу каби маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирларида "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқат ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимизда ҳар бир соҳанинг ривожланиб бораётгани қувонарли ҳол. Қўлга киритилаётган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олиши, мамлакатимизнинг халқаро майдонда обрў-эътиборга эга бўлиши, бу ютуқларнинг асосий омили ва мезони биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгаришидан далолатдир.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳисобланмиш мустақиллик арафасида маҳалла ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кексалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга совғалар тарқатилмоқда.

— Тумандаги 48 та маҳаллада Мустақиллик байрамига шиддат билан тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлинмаси бошқаруви раиси Зикрилла Асатов. — Маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг кўтаринки руҳда ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кексаларимиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинмоқда. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида маҳаллаларимиз янада чирой очмоқда. Бундай диёрга фақат байрамлар ярашади. Байрамларимиз кўпаяверсин, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри артисти Меҳри Бекжонова, Меҳмонали Салимов, Ойбек Ҳамроқулов, 14-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази хонандалари томонидан куйланган дилбар қўшиқ ва чиқишлар иштирокчилар қалбига кўтаринки кайфият улашиб, шундай юртда яшаётганидан шукроналик ҳиссини уйғотди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

## ФАЙЗУ ТАРОВАТ БАХШ ЭТДИ

***Шаҳримизнинг барча корхоналари, ташкилотлари, муассасалари, маҳаллалари, боғлар ва маданият саройларида Мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма тўрт йиллиги шодиёналарига бағишланган тадбирлар файз-тароват ила бўлиб ўтмоқда.***

Яккасарой туманидаги аҳил, ҳамжиҳат ва обод Абдулла Қаҳҳор номли маҳаллада ҳам Мустақиллигимиз байрамига бағишланган тадбир сермазмун ва қизиқарли ўтди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жамол Алимуҳамедов бошчилигида Абдураҳмон Алимбоев, Ғофиржон Аҳмедов, Рустам Ражабов, Ёқут Ражабова, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Яккасарой туман бўлими раҳбари Комил Ҳусановларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалланинг шинам ва ораста боғи ва унинг атрофига чиройли жой қилиниб, кексалар иззатда, ёшлар хизматда бўлишди.

Шу куни маҳалладошларни қутлуғ байрам билан Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов, эл севган актёрлар Теша Мўминов, Гавҳар Зокировалар чин кўнгилдан қутлаб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этишди. Таниқли ҳофизлар Абдуғани Абдуазимов, Миробид Миролимов, "Евраазия" гуруҳи аъзоси Икромжон Мирусмоновлар ижросидаги дилтортар қўшиқлар тадбирга ўзгача файз киритди.

**Даврон НУРМАТОВ**

***Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

## МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида маҳаллаларимиз тобора замонавий қиёфа касб этиб, аҳоли фаровонлиги юксалиб бораётгани, ёшларимиз ишлаб чиқариш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришаётгани таъкидланди.

Мазкур маҳаллада турли миллат ва элат вакиллари аҳил ва инок, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилади. Кейинги йилларда бу ерда қад ростлаган 26-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, замонавий футбол майдончаси, тикув ва қандолат цехлари ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлашда муносиб ҳисса қўшмоқда.

Юртимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити самаралари ушбу маҳаллада ҳам ўз ифодасини топмоқда. Тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор сабаб турли соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорлар сафи янада кенгаймоқда.

– Энг улуғ, энг азиз байрамни маҳалламиз аҳли ҳам бугунги ҳаётидан мамнунлик ва эртанги кунга катта ишонч билан қаршиламоқда, – дейди ЎзА мухбирига тадбиркор Зоид Қосимов. – Айём арафасида ўтказилаётган маданий-маърифий, спорт тадбирлари, учрашувлар ёшларимиз қалби ва онгида истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш, уларни фаол бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида миллий урф-одат ва анъаналарни ҳаётга кенг татбиқ этиш ҳамда юртимиз иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган ташаббускор тадбиркорлар рағбатлантирилди.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги Ватан, тинчлик ва истиқлолни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага байрамона кайфият улашди.

**Азима ҚИЁСОВА**





## ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЮРТ МАДҲИ

***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган "Кексалари эъзозланган юрт" шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишлари, озод ўлкамизнинг кун сайин гуллаб-яшнаб бораётгани, бу албатта, мустақиллик шарофати эканлигига тўхталиб, истиқлол бизга ато этган неъматларнинг нечоғлик буюк ва қадрли экани, эришилаётган мисли кўрилмаган ютуқ ва кенг кўламли ўзгаришлар билан ҳар қанча фахрланиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Байрам тадбирида халқимиз севган санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, Ватанни тараннум этган мисралари билан даврага ўзгача файз-тароват бахш этишди.

Эл-юрт истиқболи йўлида самарали меҳнат қилиб, ҳозирги вақтда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ нуроний отахон ва онахонларга шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Биз байрамга ташриф буюрган кексаларимизнинг фикрлари билан қизиқдик:

— Мустақиллик шарофати билан шундай ёруғ кунларга эришганимизнинг ўзи юксак бахт, — дейди "Дўстлик" маҳалласидан ташриф буюрган отахон Нусриддин Ғафуров. — Истиқлол ато этган истиқболлар боис бизни жаҳон таниди, халқимизнинг фидокорона меҳнати, ёшларимизнинг ғайрати, азму шижоати ила Ватанимизнинг шон-шуҳрати олам узра янада кенгроқ ёйилмоқда. Озодлик, эркинлик берган беқиёс неъматлар замирида эртанги кунимиз, бахтли ва фаровон келажагимизни ўз қўлимиз билан бунёд этмоқдамиз. Биз нуронийлар шундай қутлуғ кунларга етиб келганимизга шукроналар келтирамиз. Тинчлигимизга, бирлигимизга ва муқаддас заминимизга илоҳим кўз тегмасин.

— Шундай шукуҳли кунларга етиб келганимизга, халқимиз ардоғида эканимизга минг шукрлар бўлсин, — дейди "Бектўпи" маҳалласидан ташриф буюрган Маъмура Ҳайдарова. — Юртбошимиз ғамхўрликлари остида биз кексаларга доимо иззат-икром, меҳр ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Мустақиллик бизга мана шундай ёғдули, бахтиёр кунларни насиб айлади. Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Она Ватанимиз бунданда гуллаб-яшнасин, ёшларимиз бахтли-саодатли бўлишсин. Дуоларимиз ижобатини фаровон ҳаётимизда, тўкин дастурхонимизда, осойишта ҳаётимизда кўриш насиб этсин барчамизга.

Дарҳақиқат, Истиқлол эпкинлари туфайли Ўзбекистоннинг бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини намоён қилиш имкониятига кенг йўл очилди. Қадриятларимиз қадрланиб, тарихимиз улуғланди.

Тадбир доирасида нуроний отахон ва онахонлар оҳанграбо куй қўшиқларга ҳамоҳанг тарзда рақсга тушдилар. Қўлларини дуога очган ҳолда мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадр-қиммати янада ошишини, юртимиз нуфузи дунё мамлакатлари узра сарбаланд бўлишини, халқимиз тинчлиги, бирлиги абадий бўлишини яратгандан сўрадилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар**

## ЭЗГУ НИЯТЛАР ТАРОНАСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

**– Сизнингча, ушбу фестивалнинг жаҳондаги нуфузли санъат анжуманлари қаторидан жой олишида Самарқанднинг роли қандай?**

– Самарқанд – сирли, мафтункор шаҳар. Самарқанд жаҳоннинг энг қадимги маънавият ва маърифат марказларидан. Унинг дунёдаги албатта бориб кўриш шарт бўлган 50 шаҳар қаторида туришининг сабабларидан бири шундадир.

Ушбу фестиваль кунлари Самарқанд шаҳри жаҳон мусиқаси маданияти марказларидан бирига айланади. Зеро, тенгсиз меъморий обидалари ва замонавий қиёфаси билан Шарқ оламининг ўлмас руҳини, унинг бетакрор жозибасини намоён этадиган бу боқий шаҳар фестивалнинг маъно-мазмуни ва фалсафасини бойитишда катта ўрин тутади. Фестиваль доирасида бу заминга ташриф буюрган турли халқлар мумтоз мусиқасининг ёрқин вакиллари ўзининг ноёб санъати билан мухлисларга завқ-шавқ бағишлайди. Ўзбек санъаткорлари жаҳон мусиқаси хазинасини бойитишга лойиқ энг сара куй-қўшиқлари ва юксак ижро маҳоратини намойиш этади. Фестивалда "Самарқанд", "Регистон" сўзлари турли тилларда жаранглаб, куй билан, қўшиқ билан жаҳон узра таралади.

**– Фестивалдаги ютуғингиз ижодингизга қандай таъсир кўрсатган?**

– Аввало ушбу фестиваль танловидан ўтган ҳар бир санъаткор ўзида катта масъулиятни ҳис этади. Чунки шунча ижодкор орасидан саралаб олинишнинг ўзи катта ютуқ.

1999 йили "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида "Чоргоҳ" ва "Ёр васли" мақомларини ижро этгандим. Мақомчилар ансамбли жўрлигида муҳташам Регистонда асрий дурдоналаримиз билан бирга, бастакорлик, ашулачилик анъаналаримизни намойиш қилдик. Бу жаҳоннинг номдор санъаткорлари, бастакорлари, мухлису мутахассисларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур фестиваль мақом, анъанавий ижрочилик йўлида ижод қилаётган санъаткорларимизни халқимиз ичига яқинроқ олиб кирмоқда. Ўтган йилларда Муножот Йўлчиева, Матлуба Дадабоева каби халқимиз меҳрини қозонган устоз санъаткорларимиз билан бирга Соҳибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Нодира Пирматова, Аброр Зуфаров сингари ёш истеъдодлар ҳаёти ва ижодида янги саҳифалар очди. "Шарқ тароналари" фестивали туфайли уларнинг ижроси жаҳон мусиқа ихлосмандлари эътиборига тушди, қўшиқлари дунёга ёйилди.

Фестиваль бутун дунёдан келаётган иштирокчилар ўртасида дўстона ҳамда ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Хорижлик ижрочилар миллий санъатимиз билан танишмоқда, биз улар билан ҳамкорлик ўрнатмоқдамиз. Масалан, 1997 йилда ўтказилган "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалидан сўнг озарбайжонлик хушовоз хонанда Симара Иманова билан дўстлашдик, ижодий ҳамкорлигимиз бугун ҳам давом этмоқда.

**– Миллий мусиқа меросимизнинг жаҳон маданиятидаги бугунги ўрнини қандай баҳолайсиз?**

– Мусиқа, оҳанг ўз табиатига кўра умуминсоний моҳиятга эга. Шунинг учун ҳам бошқа восита билан ифодалаб бўлмайдиган туйғуларни мусиқа орқали англаймиз. Афсуски, бугунги нотинч замонда кўплаб мамлакатларда санъатнинг инсон тарбиясидаги ўрнини "оммавий маданият"нинг пуч ғоялари эгалламоқда. Ана шундай мураккаб даврда чинакам халқона меросга, аждодларнинг миллий қадриятларига эҳтиёж янада ортади.

Жанубий Корея мусиқа академияси директори, 2001 йилги "Шарқ тароналари" фестивали ҳакамлар ҳайъати раиси Хан Мун Хи "Ғарбда маданиятлар аллақачон умумлашиб бўлди, лекин Шарқ ҳали ўзлигини сақлашга ҳаракат қилаяпти", деган эди. Назаримда, Шарқнинг ўзига хос, бетакрор оҳанглар зеб берган мусиқа маданиятини нафақат асраш, шу билан бирга янада бойитиш ва тарғиб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар "Шарқ тароналари" каби фестивалларда ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Санъатимиз хорижлик мухлисларнинг олқишига сазовор бўлаётгани, қўшиқларимиз чет давлатларда севиб тингланаётганининг боиси ҳам шунда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида мусиқага эътибор, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ижод қилиши ва санъатимизни юксак чўққиларга кўтаришга муносиб ҳисса қўшиши учун яратилаётган шарт-шароитлар мумтоз санъатимизни янгича асосда равнақ топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида "Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади", деб таъкидлаган. Бу сўзлар мазкур фестивалда дунё халқлари санъатини намойиш қилишга, чет эллик санъаткорларда ижодини янада бойитишга интилиш кучайгани тимсолида ўз исботини топмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами арафасида бўлиб ўтадиган "Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивалида моҳир хонандаю созандалар, етакчи бадиий жамоаларимиз юртимизнинг бой маданий-маънавий меросини турли халқлар вакилларига яна бир бор намойиш этади. Ўйлайманки, фестивалга келган маданият ва санъат намояндалари Ватанимиз ҳақида унутилмас таассурот олади ва Ўзбекистонга бўлган қизиқиши янада ошади.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ**
**суҳбатлашди.**




***Тошкент Давлат техника университети "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги" кафедраси профессори, кимё фанлари доктори Бахтиёр Мухамедгалиев замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлар сирасига киради. У ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб Тошкент политехника институтида ўқиди, уни 1984 йилда имтиёзли диплом билан битирди. Икки йилдан кейин эса Б.Мухамедгалиев Ломоносов номидаги Москва давлат университетига аспирантурага юборилди, у ерда бўлажак олим халқаро кимёгар-олимлар уюшмаси IUPAC президенти академик Виктор Кабановнинг илмий мактабида изланишларни давом эттирди.***

# ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Аста-секин бўлажак олим инглиз ва француз тилларини мукаммал ўрганди. Кейинчалик испан, португал, турк тилларини ҳам мустақил тарзда ўзлаштирди.

Шу тариқа Бахтиёр Мухамедгалиев 1990 йили "Ўтга чидамли полимерлар олиш" мавзуси бўйича номзодлик, 2006 йили саноат чиқиндилари асосида полимер-модификатор, антипиренларни олиш йўналиши бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У турли йилларда Россия, Польша, Франция, Жанубий Корея, Чехия Республикаси, Германия каби мамлакатларида ўтказилган илмий-техник анжуманларда фаол иштирок этиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси илму фанини дунёга танитишда ўзининг ҳиссасини қўшди.

1992 йили Абу Райҳон Беруний номли Тошкент давлат техника университетининг "Экология" кафедрасининг катта ўқитувчиси сифатида иш бошлаган ёш олим, Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари бўйича жиддий шуғуллана бошлади. 1997-1998 йиллари Чехия Республикасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNIDO қўмитасида Чехия ва Швеция олимлари раҳбарлигида "Янада тозароқ ишлаб чиқариш" ("Cleaner production") йўналишидаги халқаро экологик дастури бўйича 9 ойлик малака ошириш курсида таҳсил олди ва курс якунида унга БМТ UNIDO қўмитасининг Марказий Осиё ҳудудида экологик экспертизани олиб бориш ҳуқуқини берувчи махсус сертификати топширилди. Олган билимлари асосида кафедрада ўқув режасига янги "Янада тозароқ ишлаб чиқариш" фанларини киритиб, ўзбек ва рус тилларида шу йўналишда таҳсил олаётган талабаларга таълим беришни йўлга қўйди.

Профессор Б.Мухамедгалиев республикамиз иқтисодиётида мавжуд бўлган экологик ва технологик муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳам самарали изланишларни олиб бормоқда. Булар саноат чиқиндиларидан оқава сувларни, чанг-газ аралашмаларини тозаловчи сорбентлар, ионит, флокулянтлар олиш, тупроқнинг структурасини яхшиловчи ва ҳосилдорлигини оширувчи кимёвий реагентлар олиш, нефть-газ объектларида углеводород буғларини ушлаб қолиб, атроф-муҳитни уларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ускуналарини яратиш, ёғоч ва синтетик ашёларнинг юқори ҳарорат ва оловбардошлигини ошириш бўйича самарали изланишлардир. Унинг ишланмалари "Тошкентмебель" корхонаси ҳамда "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси корхоналарида амалиётга татбиқ этилди. Б.Мухамедгалиев Тошкент давлат техника университетида фаолият кўрсатиш билан бирга ўтган давр мобайнида 20 дан ортиқ магистр ва фан номзодларини тайёрлади, унинг 400 дан ортиқ илмий ишлари республикамиз ва хориж мамлакатларининг нуфузли илмий-техник журналларида чоп этилди. Олим 10 дан ортиқ кашфиётлар патенти соҳиби, 4 та монография, 2 та дарслик, 12 та ўқув қўлланмаси, 20 дан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифидир. Бир неча йиллардан бери у республикамиз ва хориж мамлакатларининг нуфузли илмий-техник журналларининг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида фаолият олиб бормоқда. У Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ва Бердақ номли Қорақалпоғистон давлат университетининг бир неча мустақил-тадқиқотчи ва докторантларига илмий тадқиқот ишларида раҳбарлик қилиб келмоқда.

2015 йилнинг январь ойида ўзбекистонлик олим Япониянинг КЕИО университети раҳбарияти ва шу университетда фаолият олиб бораётган "Global Environmental System Leaders Program (GELS)" халқаро экологик дастур координатори томонидан Токиога таклиф қилинди. Бахтиёр Мухамедгалиев бу ерда халқаро экологик дастур бўйича дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келиб таҳсил олаётган талабалар, малака ошириш курси мутахассисларига, профессор-ўқитувчиларга "Орол денгизи минтақасидаги экологик аҳвол", "Марказий Осиёдаги бугунги кундаги экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида инглиз тилида маърузалар қилди. Ўзбек профессорининг илмий салоҳиятини юқори баҳолаган "Global Environmental System Leaders Program (GELS)" халқаро экологик дастур координатори унга Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакат ҳудудлари бўйича экологик эксперт мақомини берувчи махсус сертификатни топширди.

Бу ҳамкорликнинг давоми сифатида 2015 йилнинг март-апрель ойларида КЕИО университетида фаолият олиб бораётган "Global Environmental System Leaders Program (GELS)" халқаро экологик дастур координатори Қозоғистон Республикасининг Аральск шаҳрида ва Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммоси бўйича илмий ва амалий семинар ўтказиш мақсадида профессор Б.Мухамедгалиевни таклиф этди. У ерда "Кичик Орол" ва "Катта Орол" денгизи ҳудудларида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва уларнинг келажакдаги истиқболлари ҳақида мунозаралар олиб борилди. Сўнгра "Global Environmental System Leaders Program (GELS)" халқаро экологик дастур координатори 2015 йилнинг 14-16 апрель кунлари Рига шаҳрида ўтказилган "Бутунжаҳон атроф-муҳит ва сув муаммолари" мавзусидаги халқаро анжуманда қатнашди. 2015 йилнинг июл август ойларида эса Қорақалпоғистон давлат университетининг экология соҳасида фаолият олиб борувчи бир неча мустақил-тадқиқотчи ва докторантлари билан ҳамкорликда "Катта Орол" денгизи бўйидаги махсус ажратилган ҳудудда учар қум ва туз бўҳронларини қотиришга мўлжалланган янги полимер реагентларининг тажриба-синовларини ўтказди.

Хулоса қилиб айтганда кўп қиррали истеъдод соҳиби, илм-фан ташкилотчиси Марказий ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудлари бўйича БМТ UNIDO қўмитаси ва "GESL" халқаро экологик дастурининг регионал эксперти сифатида фаолият олиб бораётган профессор Бахтиёр Мухамедгалиев сингари олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан республикамизга чет эл олимлари ва илмий марказларининг қизиқиши ортмоқда, бунинг натижасида ҳамкорликда олиб борилаётган илмий изланишлар, келтирилаётган инвестицияларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Сўзимизнинг якунида профессор Бахтиёр Мухамедгалиевга ёш авлодга таълим ва тарбия беришида ва илмий фаолиятида улкан муваффақиятлар ва омадлар тилаб қоламиз.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ – ОЛИЙ МАҚСАД

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни соғломлаштириш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар мунтазам ўтказилмоқда.***

Жорий йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Германиянинг "Фриденсдорф интернейшнл" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида туғма оёқ ва бўйин соҳасида нуқсони бор 15 ёшгача бўлган бир юз эллик нафар болада жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, улар соғломлаштирилди. Яна шунча туғма лаб ва танглайида нуқсони бўлган боланинг саломатлиги тикланди.

Куни кеча мазкур ҳамкорлик асосида Германиядаги нуфузли клиникаларга даволанишга кетган ўн тўрт нафар бола юртимизга қайтиб келди.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида истиқомат қилувчи ўн ёшли Гулсанам Тўхтаева ҳам ушбу лойиҳа доирасида соғломлаштирилди. Юз, бўйин ва қўл қисмида куйиш асоратлари бўлган Гулсанам хорижий клиникада даволанди. Ҳозир қизчадаги ўзгаришлар ижобий.

Фарғона вилоятининг Фарғона туманида яшовчи беш ёшли Алижон Маҳмудов ички куйиш асоратлари туфайли Германияда даволанди.

– Набирамнинг аҳволидан жиддий хавотирда эдик, – дейди Муқимжон Маҳмудов. – Маҳаллий шифокорлар маслаҳати ва "Соғлом авлод учун» фондининг кўмаги билан уни хорижга даволанишга юбордик. Унинг соғлом бўлиб қайтганини кўриб, бутун оиламизнинг қувончи чексиз. Шундай шарт-шароитлар яратилган юртда фарзандларимизнинг роҳатини кўриб, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғаяётганидан кўнглимиз ўсмоқда.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**



***2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги "2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.***

# РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Жумладан, мазкур қарорнинг 16-банди бўйича қўмитанинг қўллаб-қувватлаши остида бажарилган ишларга назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларнинг гувоҳи бўламиз.

2015 йил биринчи ярим йиллигида 0,685 км. канализация тармоқлари қурилган. Натижада бу ер усти ва ер ости сувларини, тупроқнинг ифлосланиши, истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлигини яхшилаш, зарарсизлантирилган ер ости сувларининг канализацияга қўшилишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

Ичимлик суви тармоқларининг қурилиши натижасида сув билан таъминлаш ишлари яхшиланган ва тоза сувнинг ифлосланиши йилига 409 $м^3$га камайган. Аҳолини тоза ва сифатли сув билан таъминлаш ишлари кенгайтирилди.

Тошкент шаҳри ҳудудида атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар мониторингини олиб бориш мақсадида 76,5 млн.сўм маблағ лаборатория анжомларини харид қилиш учун ажратилди. Бунинг натижасида чиқинди сувларини ва бошқа чиқиндиларнинг хавфлилигини аниқлаш самарадорлиги ошмоқда.

Кўкаламзорлаштирилган ҳудудларни кенгайтириш, шаҳарнинг қатнов қисми, яшаш мавзеларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш дастурини амалга ошириш, оромгоҳлар ҳудудларини қайта таъмирлаш юзасидан ярим йил давомида 124848 дона кўчатлар ўтказилди, кўкаламзорлаштирилган майдонлар 12,4 гектарга кўпайди, натижада атмосферанинг кислород билан таъминланиши оширилди.

Ҳисобот даврида машиналарнинг 90 та двигатели таъмирланган, натижада атмосферага чиқарилаётган зарарли чиқиндилар 0,375 тоннага камайди.

Шунингдек, 674 та автомобиллар бензин ёнилғисидан газ ёнилғисига ўтказилди. Натижада йилига 220,65 тонна заҳарли газларнинг атмосферага ташланишининг олди олинди.

Йилига 100 минг дона таркибида симоб моддаси бўлган лампалар ва ускуналарни йиғиш ва демеркуризацияга топширишни ташкиллаштириш кўзда тутилган бўлиб, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида 137049 та лампа демеркуризация қилинди. Натижада атмосфера бузилишининг олди олиниб, 36,4 тонна симобли буғланиш ва шиша синиғига барҳам берилди.

Беруний кўчасидан Хуршид кўчасигача, Анҳор канали бўйининг ободонлаштирилиши, Абдулла Қодирий ва Шайхонтоҳур кўчаларида транспорт ҳаракатларининг енгиллашуви, Хадра майдони, Ғ.Ғулом ва А.Қодирий кўчаларидаги қурилишлар ва янги кўприкларнинг ишга туширилиши муносабати билан атмосферага чиқариладиган чиқинди газлар миқдори 140,4 тоннага камайди. Озон қатламининг емирилишини камайтириш самарадорлиги ошди.

Бундан ташқари қўмитадан тегишли маблағлар ажратилиб Гибискуса питомниги ва урбанофонд альбоми ташкил қилиниб, Тошкент шаҳри учун ўсимликлар хилма-хиллигининг кўпайтирилишига ҳисса қўшилди. Водород ёқилғиси озиқасини ишлаб чиқариш учун Тошкент автомобиль йўллар институтига маблағ ажратилди.

Юқоридаги каби ишлар давом эттирилмоқда.

**Саодат АБДУРАИМОВА**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси юзасидан йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, дастур 5 та бўлим ва 11 та банддан иборат.***

Дастур доирасида, аввало, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ёш ходимнинг ёши улуғ, кўп йиллар давомида фаолият кўрсатган, устозларининг бой ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ва келажакда уларга нисбатан ғамхўрлик руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу сабабдан ушбу йўналишдаги ишлар амалиётда ўз ижобий самарасини бериб келмоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан қўмитада байрам тадбири уюштирилди ва ҳар бир фахрийга пул мукофотлари берилди.

Ушбу дастурнинг узвий давоми сифатида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қўмитанинг ҳар бир фахрий ходимига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳозирда Энг улуғ, энг азиз байрам мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Тошкент шаҳрида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олувчи талабалар ўртасида ота-оналар, айниқса кексаларга нисбатан меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик руҳини шакллантиришга йўналтирилган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, қўмитада фаолият кўрсатаётган ёши улуғ ходимларнинг дам олиш сиҳатгоҳларида соғлиқларини тиклашлари учун имтиёзли йўлланмаларни харид қилиш бўйича касаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда ишлар режалаштириб олинган.

Дастур ижросини оммага кенг ёритиб бориш мақсадида қўмитада фаолият кўрсатаётган ёши улуғ ходимлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришлар, мақолалар уюштирилмоқда.

**Азизбек КАЛИМБЕТОВ,**
**ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи**

**Қарор ва ижро**

# ЗАРУР ЧОРАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат ҳисоби ва назоратини олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилди.***

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йил 30 октябрдаги 223-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2014 йил 31 октябрдаги 169-сонли буйруғи қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш учун бир қатор таклифлар киритилди.

Шунингдек, Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари токсик ва нотоксик, шу жумладан, иккиламчи қайта ишланиши, утиллаштирилиши ва кўмилиши лозим бўлган чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратишлари белгилаб қўйилган.

Қарор ижросини таъминлаш борасида 2015 йилнинг 5 ойлик иш якунига кўра корхоналарда чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштириш тўғрисидаги экологик норматив ҳужжатларига 100 та экологик экспертиза хулосалари берилди. Шунингдек, ҳисобот даврида чиқиндиларни жойлаштирганлик учун 996 та корхоналарга 79 410, 6 минг сўм компенсация тўловлари ҳисобланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 91-моддасига мувофиқ, саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун 91 та фуқароларга 3 768, 6 минг сўм, мансабдор шахслар учун 144 та маъмурий баённомалар тузилиб, 20 142, 6 минг сўм миқдорида жарима солиниб, шундан 23 079, 2 минг сўми ундирилди.

Экологик ҳолатнинг яхшиланишида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштиришга ихтисослашган корхоналарнинг ҳам катта ҳиссаси борлигини эътиборга олган ҳолда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланувчи 66 та корхоналар вакиллари иштирокида кенгайтирилган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир давомида иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 октябрдаги 295-сонли қарори билан тасдиқланган Низом билан тартибга солинган масалалар тўғрисида тўлиқ ахборот берилди.

Бундан ташқари таркибида симоб моддаси бўлган лампалар ва приборларни демеркуризациялаш ва қайта ишлаш соҳасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш ҳамда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Тадбир давомида фаолияти чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиш, кўмиш, қайта ишлаш, утиллаштириш билан боғлиқ бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини ривожлантириш учун асосий йўналишларда кўрилаётган чора-тадбирларни кучайтиришга эътибор қаратиш лозимлиги билдирилди.

Йиғилиш қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлаш ва утиллаштириш фаолияти билан шуғулланувчи 66 та корхоналарнинг йилнинг ҳар бир чораги якунига кўра ўзлари томонидан қайта ишланган чиқиндилар ҳажми тўғрисида махсус шаклга мувофиқ Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига маълумот тақдим этишлари белгилаб олинди.

**Жамшид ИШЧАНОВ,**
**етакчи мутахассис**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

UZTELECOM

*Ҳурматли ҳамшаҳарлар!*

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида нафақат "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарнинг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқанинг шикастланишлари оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи 2015-2016 ўқув йили учун тўғри овқатланишни ташкил этиш мақсадида ўз буфетини ижарага бериш учун

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Мурожаат учун манзил: М.Улуғбек тумани, Улуғбек кўчаси, 42-уй.

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида* ***26 август*** *куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан шарққа томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***26 августда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*




# АФРИКАЛИК КУРАШЧИЛАР ПОЙТАХТИМИЗДА

***Мамлакатимизда Жанубий Африка Республикаси ва Свазиленд давлатларидан келган кураш бўйича ёшлар терма жамоалари ўқув-йиғин машғулотларини ўтказишди.***

Шунингдек, тайёргарлик машқларида Италия кураш федерацияси вакиллари ҳам иштирок этишди. Республика Олимпия захиралари коллежида ташкил этилган йиғинда тажрибали мураббий Олим Ҳайитов мураббийлик қилди.

Свазиленд терма жамоаси вакили Юриан ван Зуйдам юртимизга ташриф буюрганидан мамнунлиги, Ўзбекистонда спортчилар учун барча зарур шароитлар муҳайё экани, ушбу йиғин орқали эса катталар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрилишини билдирди.

**Ботир ХЎЖАЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


### *Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади*

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2015 йил 24 сентябрь** **соат $10^{00}$да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Жадвал сони | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 8И | “Чилонзор буюм бозори АШБ – Қўйлиқ М4 АШБ” | 15 | Микроавтобус |
| 2. | 9А | “Чорсу савдо маркази АШБ – Узумзор мавзеси” | 6 | Автобус |
| 3. | 10А | “Шифокорлар шаҳарчаси – Дўстлик метроси АШБ” | 10 | Автобус |
| 4. | 12А | “Қўйлиқ М2 АШБ – Бошлиқ мавзеси” | 11 | Автобус |
| 5. | 14И | “Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ” | 4 | Микроавтобус |
| 6. | 15А | “Қўйлиқ 1-мавзеси АШБ – Дўстлик метроси АШБ” | 8 | Автобус |
| 7. | 22А | “Дўстлик метроси АШБ – Тошкент МУМ АШБ” | 9 | Автобус |
| 8. | 28А | “Ибн Сино 2-мавзеси АШБ – Дўстлик метроси АШБ” | 10 | Автобус |
| 9. | 37А | “Тошкент МУМ АШБ – Маҳаллий Аэропорт-3 АШБ” | 9 | Автобус |
| 10. | 51А | “Юнусобод 6-даҳаси АШБ – Бешёғоч майдони бекати” | 8 | Автобус |
| 11. | 55А | “Тошкент қувур заводи – Истиқлол кўчаси бекати” | 8 | Автобус |
| 12. | 61А | “Янгиобод мавзеси АШБ – Халқаро Аэропорт 2” | 7 | Автобус |
| 13. | 67А | “Юнусобод 19-даҳаси АШБ – Халқаро Аэропорт 2” | 9 | Автобус |
| 14. | 67М | “Тошкент вокзали АШБ – Чилонзор буюм бозори бекати" | 10 | Микроавтобус |
| 15. | 74М | “Қорасув 1-мавзеси АШБ – Чорсу савдо маркази АШБ" | 6 | Микроавтобус |
| 16. | 76М | “ТТЗ АШБ –Чорсу савдо маркази АШБ” | 16 | Микроавтобус |
| 17. | 81А | “Қўйлиқ 1-мавзеси АШБ – Гулобод кўчаси бекати” | 11 | Автобус |
| 18. | 91А | “Юнусобод 15-даҳаси АШБ – “Кўкча” масжиди бекати” | 10 | Автобус |
| 19. | 91М | “Авиасозлар АШБ – Гулобод кўчаси бекати” | 11 | Микроавтобус |
| 20. | 93А | “Қўйлиқ 1-мавзеси АШБ – Юнусобод 9-даҳаси АШБ” | 16 | Автобус |
| 21. | 95А | “Юнусобод 15-даҳаси – Авиасозлар АШБ” | 9 | Автобус |
| 22. | 95М | “Маданият олийгоҳи бекати – Халқаро Аэропорт 2” | 10 | Микроавтобус |
| 23. | 97А | “Юнусобод 12-даҳаси – Тошкент МУМ АШБ” | 7 | Автобус |
| 24. | 98М | “Ал Хоразмий мавзеси – Тошкент вокзали АШБ” | 8 | Микроавтобус |
| 25. | 114М | “Мойқўрғон маҳалласи – Бешёғоч майдони” | 7 | Микроавтобус |
| 26. | 135М | “Сайрам кўчаси бекати – Ядро физика институти бекати” | 12 | Микроавтобус |
| 27. | 140А | “Юнусобод 12-даҳаси АШБ – Санъат институти бекати” | 8 | Автобус |
| 28. | 140М | “Чорсу савдо маркази АШБ – Тошкент педиатрия тиббиёт институти” | 7 | Микроавтобус |
| 29. | 182М | “Гулобод кўчаси бекати – Чилонзор 25-даҳаси АШБ” | 10 | Микроавтобус |
| 30. | 183М | “Бинокор қўрғони – Қўйлиқ М4 АШБ” | 5 | Микроавтобус |
| 31. | 192М | “Юнусобод 9-даҳаси АШБ – Қорасув 6-мавзеси” | 13 | Микроавтобус |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 2А | “Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Экскаватор заводи бекати” | 12 | Автобус |
| 2. | 8А | “Сергели 7-даҳаси АШБ – Чилонзор 25-даҳаси АШБ” | 11 | Автобус |
| 3. | 13А | “Изза мавзеси АШБ – Тошкент МУМ АШБ” | 9 | Автобус |
| 4. | 32А | “Эркин қўрғони АШБ – Гулобод кўчаси бекати” | 11 | Автобус |
| 5. | 33А | “Истиқлол кўчаси – Карвон бозори” | 9 | Автобус |
| 6. | 34А | “Тўқимачилик комбинати бекати – Шифокорлар шаҳарчаси” | 10 | Автобус |
| 7. | 38А | “Сергели 7-даҳаси АШБ – Ўзқишлоқмаш заводи бекати” | 13 | Автобус |
| 8. | 41А | “Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Чилонзор буюм бозори АШБ” | 5 | Автобус |
| 9. | 56А | “Далагузар майдони – Чорсу савдо маркази АШБ” | 7 | Автобус |
| 10. | 57А | “Эркин қўрғони АШБ – Олой бозори бекати” | 11 | Автобус |
| 11. | 69А | “Карвон бозори бекати – Тошкент вокзали АШБ” | 9 | Автобус |
| 12. | 70А | “Чилонзор 20-даҳаси – М.Юсуф кўчаси АШБ” | 9 | Автобус |
| 13. | 70М | “Тошкент вокзали АШБ – Тузель мавзеси” | 6 | Микроавтобус |
| 14. | 77А | “Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Маҳаллий Аэропорт-3 АШБ” | 8 | Автобус |
| 15. | 80А | “Жанубий вокзал АШБ – М.Юсуф кўчаси бекати” | 10 | Автобус |
| 16. | 84А | “Эркин қўрғони АШБ – Гулобод кўчаси бекати” | 10 | Автобус |
| 17. | 94А | “Изза мавзеси АШБ – Халқаро Аэропорт-2” | 9 | Автобус |
| 18. | 103А | “Чорсу савдо маркази АШБ – Қуёшли қўрғони” | 7 | Автобус |
| 19. | 109А | “Чорсу метроси АШБ – Чуқурсой темир йўл станцияси” | 9 | Автобус |
| 20. | 122А | “Карвон бозори – Қўйлиқ М2 АШБ” | 10 | Автобус |
| 21. | 132А | “Сергели 7-даҳаси АШБ – Гулобод кўчаси бекати” | 8 | Автобус |
| 22. | 135А | “Тўқимачилик комбинати бекати – Назарбек қўрғони” | 9 | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧЭКИ АТ “Савдогар Банк”даги 20210000604197971001 ҳ/р (банк коди 00835, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326,000 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат $17^{00}$да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

### *ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!*

***Тошкент шаҳар Ҳудудий танлов комиссияси томонидан 2015 йил 7 июлдан 11 августгача бўлиб ўтган савдоларда қўшимча инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шарти билан “НОЛ” харид қийматида сотилган давлат объектлари савдоларининг натижалари РЎЙХАТИ***

| № | Объект номи | Объект манзили | Балансда сақловчи | Объектга киритиладиган инвестициянинг энг кам миқдори (млн. сўм) | Сотилиш нархи (сўмда) | Харидорга юклатилган инвестиция мажбурияти (млн.сўмда) | Объектда яратилиши белгиланган янги иш ўринлари сони (дона) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар | Бектемир тумани, Бинокор қўрғони | Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги | 46 000 | 0 | 51 665,0 | 255 |
| 2 | Собиқ 2-сонли давлат мева-сабзавот тайёрлов савдо базаси мулкий мажмуаси | Сергели тумани, Олтин Водий 2-тор кўчаси, 59-уй | Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси | 170 000 | 0 | 203 452,8 | 460 |
| 3 | Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси | Сергели тумани, Сергели 5-мавзеси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК | 3 500 | 0 | 5 200 | 14 |
| 4 | Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси | Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК | 3 500 | 0 | 5 470 | 20 |
| 5 | Қурилиши тугалланмаган турар жой биноси | Сергели тумани, Қурувчилар мавзеси, Хонобод кўчаси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК | 4 000 | 0 | 5 190 | 20 |

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-“А” уй.**
**Телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.**

### *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!*

2015 йил 28 сентябрда “Тошкент” РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

| № | Эмитент номи | Устав фондидаги улуш % | Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона | 1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм | 1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм | Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "SOVPLASTITAL" АЖ | 30 | 204 960 | 1000 | 162 729,00 | 33 352 865 699 |

Қўшимча маълумотлар учун “MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳкўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

### “KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали қуйидагиларни маълум қилади!

“Тошкент оқшоми” газетасининг 2015 йил 19 августдаги 169 (12.982)-сонида ва “Биржа” газетасининг 2015 йил 20 августдаги 98 (1965)-сонида хабарномаси чоп этилиб “Kaspi” МЧЖ томонидан “KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалига аукцион савдосига чиқарилган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқабулов ҚФЙда жойлашган бино ва иншоотларнинг аукцион кунлари 2015 йил 21 сентябрь ва 2, 12, 20 октябрдаги кунлари “ўрнига” 2015 йил 21 сенябрда аукцион савдоси бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2015 йил 17 сентябрь. Талабгорлар закалат пулини, “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг “Ипак йўли банки” АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

***Асос:*** “Kaspi” МЧЖнинг 2015 йил 17 августдаги № 239-сонли хати.

***Манзил:*** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-“А” уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.


Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6541 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 13.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 4 5